

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILITSIYA  
INV. №

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
BAZIRLIGINING MARKAZIY MATBUOT  
ORGANI

- 2003 йил, 20 ноябрь, пайшанба № 140 (1872).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 20 ноября, 2003 г. № 140 (1872).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

## Япония делегациясининг ташрифи

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Бош вазирнинг «Катта саккиэки»даги шахсий вавили Ичиро Фужисаки 19 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Уткир Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга оид масалалар хусусида фикрлашди. Меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар

вазирини Содиқ Сафоев билан бўлган учрашувида ҳам Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳволи, минтақавий хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ф. АРЗИЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

«Ўзкўргазмасавдо»да Республика озиқ-овқат товарлари, улгуржи савдо ярмаркаси очилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтисодий эркинлаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хомашё асосида маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Эндиликда сифатли

маҳсулотлар билан нафақат ички бозор таъминланмоқда, балки улар хорижга ҳам кенг экспорт қилинмоқда.

Ярмаркадан «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Озиқ-овқатсаноат», «Еғмойтамакмаҳсулот», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ва «Ўз-мевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари тасарруфидаги корхоналар ҳамда республикаимизда фао-

лият кўрсатаётган 250 дан зиёд бошқа корхона ва хусусан тадбиркорлар томонидан тайёрланган қарийб 570 миллиард сўмлик маҳсулот кенг ўрин олган.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

Н. УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодий эркинлаштириш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасида «Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш ва мамлакатда мулкдорлар синифини шакллантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Адлия вазирлиги, Давлат мулкнинг бошқаруши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ходимлари, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Парламент қўмитаси раиси М. Умаралиев бошқарган мазкур йиғилишда Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган Ўзбекистон

Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ингилишда таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш ва мамлакатда мулкдорлар синифини шакллантириш» чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қабул қилинган кундан буён ўтган ўн ой мобайнида қимматли қорғозлар, кўчмас мулк, жумладан, корхоналарнинг мулкдорлари ҳамда ер участкаларига умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан эгаллик қилувчи мулкдорларнинг сон кескин ошди.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз иқтисодий эркинлаштиришда муҳим омили бўлади. Қонун хусусий корхоналарнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий

мустақиллигининг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва кафолатларини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Қонун лойиҳасига бизнинг амалиётда биринчи марта хусусий корхона муассисига икки томонлама солиқ тўламаслик имконини берувчи алоҳида меъёр киритилган. Хусусий корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида хусусий корхона мулкдорининг ўз контрагентлари олдидаги жавобгарлиги оширилган.

Парламент қўмитасига номини зикр этилган қонун лойиҳаси бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлардан 130 га яқин таклиф ва мулоҳаза келиб тушди. Ингилишда улар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.

## СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Айни шу кунларда янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин паллага кирган. Лейтенант Қобил Азиев командирлик қилаётган батарея ҳам бундан мустасно эмас. Касбига садоқатли, маҳорагли ёш командирнинг ҳарбий жамоаси ўтган ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, Қуролли Кучларимизнинг қўтлуғ 12 йиллигини хизматда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## Ҳарбий жамоа фахри

Янги ўқув йилига тайёргарлик кетаётган бир вақтда ўтган ўқув йилининг илгорлари ҳақида ҳам сўзлаш ўринли деб ўйлаймиз. Назарни амалий билимларини ошириб, ҳарб илми сирларини кунт билан эгаллаётган посбонларимиз орасида оддий аскар Илҳом Бақамов ҳақида секция командири шартнома бўйича хизмат кичик сержант Аъзамжон Аметов қуйидагиларни гапирди:

«Давоми 2-бетда».

## ОБУНА — 2004

## Саволлар кўп бўлди

Подполковник Садриддин Муйиддинов командирлик қилаётган ҳарбий қисмга «Ватанпарвар» газетасини ижодий ҳодимлари кириб боришганда, командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Шухрат Юсупов Бош муҳаррир полковник Ирисмухаммад Абдукаримовга шундай ҳисобот берди:

«Ўртоқ полковник, бизнинг ҳарбий қисмимиз 2004 йил учун «Ватанпарвар» газетасига обунани якунлашди. Икка тартибда 203 киши, жамоа учун 10 нусха газетга эзилдик.

Учрашув олдинда етказилган бу хабар «Ватанпарвар»чиларни беҳад хурсанд қилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими бошлиғи

Учрашувни газетанинг (Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон—ЖСТ: музокараларга тайёргарлик қизғин

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзолигига қабул қилинишига оид музокараларга тайёргарлик юзасидан кўплаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида мазкур музокараларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

У «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик битимини амалга оширишни қўллаб-

қувватлаш» дастури кўмагида ташкил этилди.

Республика агросаноат мажмуида бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори, академик Р. Хусанов Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрни ва бугунги аҳволи хусусида маъруза қилди.

ЖСТ эксперти Тасис Мучачос мазкур ташкилотга аъзо бўлиш юзасидан ўтказилаётган музокараларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот бериб, мазкур жараёнда қишлоқ хўжалиги соҳасида

амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида гапирди.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши юзасидан музокараларга Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги тўғрисида зарур маълумотларни тайёрлаш масаласини муҳокама қилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни ўрганиб чиқиш борасида ҳам фикр алмашилди.

Н. УЛЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Ишонч телефони

Ҳарбий хизматга қизиқасизми, ҳарбий фаолият тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни истайсизми, ҳарбий фаолиятга оид Қонун ва Низомлар борасида саволларингиз борми, ҳарбий хизматнинг қандай турлари мавжудлигини яхшироқ билмоқчимисиз, ҳарбий бўлишининг йўл-ўриқларидан хабардор бўлишни истайсизми?

Ҳарбийлар — мuddатли хизматчилар, шартнома бўйича хизмат қилаётганлар, офицерлар қандай ҳуқуқ, имтиёзларга эга? Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қандай ижтимоий ҳимоя қилинади?

Уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ва юқорида қайд этилган масалалар юзасидан саволларингиз ва таклифларингиз бўлса ҳар кунини 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қуйидаги «Ишонч телефон»ларига кўнғироқ қилишингиз мумкин:

169-82-08, 169-82-00 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси),  
169-86-82 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати).

## ҚАТЪИЙЛИККА ЭГА БЎЛДИМ

Оддий аскар Санжар Мадаминов Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан хизматга қақрилган. Муддатли хизматга қадар савдо соҳасида фаолият кўрсатган йигит посбонлик бурчини дастлаб ҳаво десантчилари сафида ўтади. Бу кўшинда хизмат қилиш кўлаб ўқонларимизнинг азалий орзуси ҳисобланади. Шу сабабли Санжарнинг кўниси тоғдек кўтарилгани шубҳасиз. Нега деганингизда йигитлар учун қақирув комиссияси томонидан амалга оширилган турли босқич текширувлари қақирувчиларнинг сарасининга муддатли хизматга лойиқ топади. Ҳаво десант кўшиқларига эса мана шу йигитларнинг ҳар томонлама етуқлари қабул қилиниши сир эмас. Санжар бу масъулиятни ҳис қила олди. Назарий ва амалий машғулларда етакчилар сафида бўлиш, айниқса парашют билан сакраш машғулида юқори натижаларга эришгани унинг жамоадаги ўрнини белгилаб берди. Ҳозирда оддий аскар Мадаминов махсус гуруҳнинг таъминот бўлинишида хизматни ўтамоқда. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳаво десант кўшиқларидаги олти ойлик хизматимдан сўнг, махсус комиссия текшируви орқали мени ушбу бўлинига ўтказишди. Биз таъминот бўлинишида посбонлари ҳисоблансақда, махсус гуруҳ профессионаллари билан ёнма-ён сафларда хизмат қиламиз. Бу биз учун янада масъулиятли,

Чунки хизматдаги ҳар бир жараёнларда улардек бўлиш истаги мен ва сафдошларимни доимо қатъий ҳаракатга чорлаб туради. Шунинг учун бўлса керак ўтган синнов машғулларда яхши натижаларни қўлга киритдик. Шунингдек, мен ҳарбий хизматнинг аҳамияти йигитлар учун нечоғлик юқори эканлиги ҳақида ҳам сузлашни истардим. Масалан мен хизмат давомида кўп нарса ўргандим. Ҳаётга қарашим ўзгарди, сиёсий онгим ўсди, жисмонан чиниқдим, энг асосийси йигит киши учун зарур бўлган қатъийликка эга бўлдим. Шу билан бирга дўстлар орттирдим. Хизматдаги ютуқларим ва ҳаётимдаги бундай ўзгаришлар учун албатта устоз командирларимдан миннатдорман. Бу борада взвод командирим капитан Умид Аббосовни алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман.

Санжар биз билан суҳбатда ўзининг келажак режалари ҳақида ҳам ўртоқлашди. У ўзи орзу қилган олий ўқув юртига кириб билим олоқчи. Албатта олий таълим нафақат касб эгаллаш сир-асрорларини ўргатади, балки инсоннинг дунёқарашига, унинг муқамал инсон бўлиб шаклланишига имконият яратаяди ҳам. Бу дегани қаҳрамонимизнинг ҳали ҳаётда эгаллаши кўп бўлган чўқилари бисёр. Бу борада оддий аскар Санжар Мадаминовнинг посбонлик бурчида эгаллаган журъат ва қатъийлиги катта таъкид бўлишига ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Ватанпарвар» мухбири.

## Пересмотрели обязательства

Военные автомобилисты рядовые Одил Абдуллаев, Вахид Худайкулов, Салоҳиддин Кулдашев, Ильхом Таджибаев на итоговой проверке за учебный год практически по всем основным воинским дисциплинам получили отличные оценки. Тем самым они выполнили взятые высокие обязательства, все четверо сдали итоговую проверку результативнее, чем их сослуживцы по соревнованию.

Но, как считают сами воины, в ходе боевой учебы не использовались многие имеющиеся резервы. Поэтому на предстоящий зимний период воинами взяты еще более высокие обязательства. Они решили ни на од-

ном занятия, пусть это будет физподготовка или огневая, тактическая или строевая, не получать даже четверки.

— Мы, взвесив свои реальные возможности, пересмотрели свои обязательства и твердо решили, что в зимнем периоде обучения будем показывать только отличные результаты, — говорит рядовой Ильхом Таджибаев. — К тому же мы не собираемся довольствоваться лишь своими достигнутыми успехами, а будем помогать отстающим и служить под девизом: «Рядом с отличниками не должно быть отстающих!».

Майор З. ХАЙРИДИНОВ.

(Давом. Боши 1-бетда).

подполковник Абдуразақ Обрӯев қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Бош муҳаррир газета тарихи, амалга оширилаётган ишлар, келгуси режалар тўғрисида батафсил гапириб берди. Полковник Абдукаримов сўзини ниҳоясига етказиши билан йиғилганлар бирин-кетин уринларидан туришиб, газета тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари, ўзларини қизиқтирган саволларини беришга киришиб кетишди.

Оддий аскар Равшан Асқаров:

— Уртоқ полковник, мен яқинда газетанинг учта сониде чоп этилган «Нафан» деган ҳикояни жуда қизиқиб билан ўқидим. Ана шундай ҳикояларни кўпроқ чоп этишни иложи борми?

— Чет эл ёзувчиларининг

ҳам, ўзимизнинг ёзувчиларининг ҳам асарларини мунтазам бериб борялмиз. — деди Бош муҳаррир. — Бундан сўнг ҳам бу ишмизни давом эттириш янги йил режамизда ҳам бор.

Оддий аскар Хусниддин Мамадиев:

— Муддатли ҳарбий хизматчилар хизматни тамомлашганларидан сўнг олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи бўлишса, уларга бериладиган «Тавсиянома» имтиёздан газетада ўқиб, хабардор бўлдим. Айтинг-чи, бундай «Тавсиянома»лар бошқа хизматчиларга, масалан сафарбарлик қақируви резервидаги хизматчиларга ҳам бериладими?

С отличными результатами завершили учебный год сослуживцы радиомеханика радиолокационной системы рядового Сохибжона Каримова радиотелефонист рядовой Василий Ермолин, телефонист-линейщик рядовой Жамшид Исламов и радиомеханик рядовой Дмитрий Гараев. По итогам года они были признаны отличниками боевой и общественно-политической подготовки и одними из лучших специалистов подразделения. Но достигнутые успехи в боевой уче-

● ВОЕНКОРОВСКИЙ ТЕЛТАИП

## ДОСТИГНУТОЕ — НЕ ПРЕДЕЛ

бе, как заявляют сами воины, для них — не предел.

В предстоящем зимнем периоде обучения воины-связисты наметили освоить еще по одной смежной воинской специальности.

— Так мы добьемся взаимозаменяемости и сможем выполнять любые учебно-боевые задачи, — говорит ря-

довой Дмитрий Гараев. — Кроме всего, мы не собираемся ограничиваться лишь индивидуальными успехами. Будем оказывать всемерную помощь прибывшим недавно к нам в подразделение новичкам, а также всем, кто нуждается в поддержке.

Младший сержант Б. СОЛИЕВ.

## ГОТОВЫ К УЧЕБЕ

Считанные дни остались до начала зимнего периода обучения. Я и мои сослуживцы механики-водители рядовые Саид Ханимов, Абдуваҳид Боборахимов и Темур Орипов полностью подготовились к предстоящей учебе. В новом периоде перед на-

ми, механиками-водителями, стоят большие и ответственные задачи: повышать боевое мастерство и классность, стараться обходиться без помощи техников-ремонтников даже в случае поломки машины и, естественно, по всем воинским дисциплинам полу-

чать только отличные оценки.

Я, наверное, выражу общее мнение своих товарищей по оружию, если скажу, что выполнение этих задач нам по плечу. В этом нам помогут наши трудолюбие и старательность.

Рядовой А. ХОЛМАТОВ.

## ҲАРБИЙ ЖАМОА ФАХРИ

(Давом. Боши 1-бетда).

— Оддий аскар Илҳом Бакамов сино машғуллариде қўлга киритган юқори натижалари билан ҳарбий жамоамиз обрўсига обрў қўшди. Унинг фахрига айланади, десам муболага бўлмайди. Ўз вазифасини яхши билади. Бошқалардан ёрданини аямайди. Берилган топшириқни ҳар доим, қанақа шароитда бўлишидан қатъий назар ўз вақтида

сифатли бажаради. Барча тайёргарликлардан баҳолари ҳавас қилса арзирли. Бурч масъулиятини ҳамма нарсдан юқори қўядиган етуқ посбонларимиздан бири.

Илҳом асли Бухоро вилоятининг Галаосиё туманидан. Зиёли оилада улғайган. Оиладаги уч фарзанднинг энг каттаси. Ота-онаси Хайит ва Олия Бакамовлар Илҳомдан хурсанд эканликларини ҳар бир мактуб-

ларида тақрор-тақрор ёзишади. Акасининг хизматдаги ютуқлари, ҳарбий жамоада муносиб ўрни борлиги, оилада ҳам уни гурур билан тилга олишлари кичик укаси Азизбек кўнглида ҳам ҳарбий бўлишга иштиёқ уйғотди.

Армия ҳаёт мактаби эканлигини кўп бор таъкидлаймиз. Бу мактабга ҳам тайёр ҳолда келинмаса доқилиш тайин. Биз юқорида посбон йигит зиёли оилада тарбияланганини айтиб ўтдик. Шундан бўлса керак, сафдошлар ва командирлар билан мулоқотда унинг ажойиб худқ-атвор эгаси эканлиги билиниб туради. Дўстларининг кўплиги ҳам ана шундан.

Посбон йигит ҳарбий хизматдан сўнг ўқиб истаги борлигини билдирди:

— Болалар ҳаммиса катталарга тақлид қилишади. Кичиналигимдан ота-онанинг касбини ҳурмат қилиб, улардек бўлишга ҳаракат қиламан. Шифоюрлик касбига меҳрим балаид. Қандай хизматда бўлишимдан қатъий назар мақсадим ҳамма вақт Ватанга керакли бўлиндир.

Эччил, билимдон, ҳамма нарсанинг урдасидан чиқа оладиган посбон йигитнинг ҳозирги фаолиятига қараб унинг ўз сўзи устидан чиқа олишига биз ҳам ишонамиз. Вазифасини сидқидилдан бажарувчи, ўзгалар ташвишига тенг шерик бўла олишдек олжаноб фазилатли йигит бундан буён ҳам ҳарб илми сирларини чуқур эгаллаб, маҳоратини янада ошириш йўлида ҳормай-толмай хизмат қиломоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Ватанпарвар» мухбири.

Александр МРУЧАК  
олган сурат.



## САВОЛЛАР КЎП БЎЛДИ

(Давом. Боши 1-бетда).

подполковник Абдуразақ Обрӯев қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Бош муҳаррир газета тарихи, амалга оширилаётган ишлар, келгуси режалар тўғрисида батафсил гапириб берди. Полковник Абдукаримов сўзини ниҳоясига етказиши билан йиғилганлар бирин-кетин уринларидан туришиб, газета тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари, ўзларини қизиқтирган саволларини беришга киришиб кетишди.

Оддий аскар Равшан Асқаров:

— Уртоқ полковник, мен яқинда газетанинг учта сониде чоп этилган «Нафан» деган ҳикояни жуда қизиқиб билан ўқидим. Ана шундай ҳикояларни кўпроқ чоп этишни иложи борми?

— Чет эл ёзувчиларининг

ҳам, ўзимизнинг ёзувчиларининг ҳам асарларини мунтазам бериб борялмиз. — деди Бош муҳаррир. — Бундан сўнг ҳам бу ишмизни давом эттириш янги йил режамизда ҳам бор.

Оддий аскар Хусниддин Мамадиев:

— Муддатли ҳарбий хизматчилар хизматни тамомлашганларидан сўнг олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи бўлишса, уларга бериладиган «Тавсиянома» имтиёздан газетада ўқиб, хабардор бўлдим. Айтинг-чи, бундай «Тавсиянома»лар бошқа хизматчиларга, масалан сафарбарлик қақируви резервидаги хизматчиларга ҳам бериладими?

— Мен сизга, бошқаларга ҳам газетамизда ана шу имтиёз тўғрисида ёзилган материалларни яна бир марта кўздан кечириб чиқишларининг тавсия этаман. Бундай «Тавсиянома»лар фақат муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларга берилади, холос. — деди полковник Абдукаримов.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмал Бобононов:

— Газетада кўпроқ мақтаб ёзаялсизлар. Танқид йўқ ҳисоби. Нега?

— Саволингиз газетамизни мунтазам кузатиб бормаслигингиздан дарак. Яхшилаб ўқисангиз, танқидий материалларни ҳам топасиз,

— деб жавоб қайтарди Бош муҳаррир. — Саволингизга чуқурроқ ёндашсан, балки биз ҳамма жойларни кенгроқ қамраб ололмаётгандиримиз. Энди бу бошқа масала. Газета фақат унда хизмат қиладиганлар чиқиш қиладиган минбар эмас. Жойларда учраб турган хато-камчиликлар борасида сизлар ҳам ёзиб туринглар. Биз бундан фақат хурсанд бўламиз.

Катта лейтенант Даврон Ваҳобов:

— Биз газетада фақатгина бизнинг жанговар фаолиятимиз эмас, оилавий ҳаётимиз тўғрисида ҳам кўпроқ материаллар берилишини истар эдик.

— Бу истагингизни эътиборга оламиз, албатта. — деди Бош муҳаррир.

Капитан Исроил Собиров:

— Мен газета саҳифаларида кўпроқ иқтисодий шарҳлар берилишини истайман.

Учрашув узоқ давом этди. Йиғилганлар турли-туман саволлар билан муурожаат этишди. Қайсидир офицер ҳарбийларга нега паспорт берилмаслиги масаласи билан қизиқди. Ҳеч бир савол эътибордан четда қолмади. Батъи бир саволларга мутахассислар ёрдимида газета орқали жавоб қайтариш фикри билдирилди.

Учрашув қизиқарли ўтди. Бир нарсга аён бўлдики, «Ватанпарвар» газетаси муштарийлари ана шундай учрашувларни жуда-жуда истаб экан.

Подполковник А. БАЙРАМОВ.

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

## УЧ АСРНИ КЎРГАН ОНАХОН

Фориш туманидаги «Кўҳна бозор» маҳалласида яшовчи Самар момо Умурзоқова 110 ёшни қаршилади.

— Болаларим, неварачевараларим ардоғидаман, — дейди уч асрни кўрган онахон. — Тўққиз фарзанди катта қилдим. Тўнғич қизим 90 га киряпти. 54 набирам, юз чеварам бор. Не-не кулларни кўрмадин. Шундай тинч, фаровон давр-

да яшаш насиб этганига шукур қиламан.

Узининг айтишича, онахон ҳозир соппа-соғ. Бўш ўтирмайди, бекорчиликни ёқтирмайди. Ёшлигидаги гайрат-шижоат уни ҳанузгача тарк этгани йўқ.

Ҳозир вилоятда юз ёшдан ошганлар сонини 113 нафарни ташкил этади.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ЭТО ИНТЕРЕСНО

Древние считали на земном шаре семь наиболее удивительных произведений зодчества; мавзолей-гробницу царя Мавзола в Галикарнасе, египетские пирамиды, гигантскую статую Колосса Родосский, изваяние Зевса, работы великого Фидия в Олимпии, Маяк на острове Фарос в Александрии, превосходивший все здания древности высотой, храм Артемиды в Эфесе и всякие сады Шаммурат («Сады Семирамиды»). Позднее выражение «Семь чудес света» приобрело более общее и неопределенное значение: так мы говорим теперь обо всех выдающихся достопримечательностях — как созданных человеком, так и природных.

Любопытно, что в XVII веке французские и англий-



ские писатели прибавили к перечню мировых чудес еще семь: Великую китайскую стену, римский Колизей, Александрийские катакомбы, Падающую башню в Пизе, фарфоровую башню в Нингюэ, храм Соломона и мечеть святой Софии в Стамбуле.

Подготовил  
**З. АКРАМОВ.**

## ● ИЗ ИСТОРИИ ВОЕННОЙ ТЕХНИКИ

# РАДАР

Впервые система радарного обнаружения была разработана доктором Рудольфом Кюнольдом, главой департамента по исследованию сигналов на немецком военном флоте. Радар состоял из передатчика мощностью 700 ватт, работавшего на частоте 600 мегагерц, приемника и отражателей. Впервые работа радара была продемонстрирована 20 марта 1934 года в Киле. Кюнольду удалось зарегистрировать сигнал, отраженный от военного корабля «Хессе», находившегося на расстоянии 600 ярдов от передатчика. Следующий экспериментальный образец был показан высшим офицерам военно-морского флота в октябре того же года. На этот раз сигнал радара обнаружил судно, находившееся на расстоянии 7 миль. Луч радара зарегистрировал и случайно пролетавший над морем в это время самолет.


Первым судном со стационарной радарной установкой стал немецкий исследо-

вательский корабль «Велле». Радар, установленный на нем в сентябре 1935 года, мог обнаружить сушу и выяснить характер побережья с расстояния 12 миль или зарегистрировать другой корабль на расстоянии 5 миль.

Первым военным кораблем с радаром, работавшим на частоте 355 мегагерц, стал летом 1936 года немецкий «Граф Шнее».

Работа над первым воздушным радаром началась осенью 1936 года в Группе воздушных исследований английского Центра изучения телекоммуникаций. В марте 1937 года состоялся первый пробный полет самолета с радарной установкой. Первым успехом радара типа АСВ было обнаружение 3 сентября 1937 года двух военных английских кораблей, находившихся в проливе Ла-Манш.

В сентябре 1939 года радары системы АСВ были установлены на боевых самолетах 217-й и 270-й эскадрилий. Одновременно с



разработкой радаров АСВ, служащих для обнаружения надводных целей, шла разработка радара системы АИ (Эйрборн Интерсенши), который мог обнаружить вражеские бомбардировщики. В августе и сентябре 1939 года такие радары были установлены на первых 30 самолетах.

Истребители с радаром АИ появились на вооружении в начале лета 1940 года. Использование воздушных радаров в 1940 году, когда их еще не было в других странах, давало Англии большой перевес над противником.

Подготовил  
**М. САИДИВАЛИЕВ.**

## РИВОЯТ

Сукрот бир бой билан йўлга чиққан экан. Пулда «Нароқчилар шу ўртада изғиб юрибди», деган хабарни эшитиб қолибди.

— Оббо, худо урди! Улар мени таниб қолса, нима бўлади? — дебди бой.

— Оббо, худо урди-ку! Улар мени танимай қолишса, аҳволим нима бўлади? — дебди Сукрот.

## ● ТЕСТ

### МУОМАЛАЛИ ИНСОНМИСИЗ?

1. Сиз ёқтирмаган инсон сизни меҳмон сифатида ўз уйига тақлиф қилса, тақлифни қабул қилармидингиз?  
а) Ҳа — 10 б;  
б) фақат чеклов ҳолатида — 5 б;

2. Меҳмонда душман деб ҳисобланган инсон билан ёлма-ён ўтириб қолсангиз ўзингизни қандай тутасиз?  
а) унга аҳамият бермай-сиз — 0;  
б) фақат саволларига жавоб бериш билан чекланасиз — 5 б;

3. Сиз эшитгани тақиллатмоқчи бўлган хонадонда оилавий низо бошланганини эшитдингиз. Нима қилардингиз?  
а) барибир тақиллатасиз — 5 б;  
б) низо тўхташнинг кутасиз — 10 б;

4. Меҳмонда сиз ёқтирмайдиган таомни тортишса, нима қиласиз?  
а) бир амаллаб ейсиз — 10 б;  
б) мезбонга бунини еълмас-лингизни айтасиз — 0 б;

5. Инша ёни бошқа ҳолда кўнгилсиз аҳволга тушиб қолдингиз. Бу ҳақда танишларингизга айтиб берасизми?  
а) албатта — 10 б;  
б) фақат дўстларга — 5 б;

6. Узингиз билан суюқлигингиз расминини олиб юриб, атрофингиздагиларга кўрсатишни ёқтирасизми?  
а) Ҳа — 0 б;  
б) баъзан — 5 б;

7. Даврада айтилган латифага тушунамасангиз, нима қиласиз?  
а) даврадагилар билан бирга кулишасиз — 0 б;  
б) жиддий бўлиб қоласиз — 5 б;

8. Дўстлар билан ўтирганда бош оғригини сезсангиз, нима қиласиз?  
а) чидайсиз — 5 б;  
б) бош оғриққа қарши дори сўрайсиз — 10 б;

9. Меҳмонда қанча қолиш-сиз?  
а) ҳа — 5 б;  
б) йўқ — 0 б;

10. Хушиңгиз суймайди-ган инсонларга яхши муомала қила оласизми?  
а) шубҳасиз — 15 б;  
б) фақат баъзи чекловларда — 5 б;

11. Сиз учун ноҳуш, лекин ҳақиқат бўлган ўзгалар фикрига қўшилмасизми?  
а) ҳар доим эмас — 15 б;  
б) агар сизнинг фикрингизга мос келса — 5 б;

12. Жанжални қачон тўхтатасиз?  
а) қанча тез бўлса, шунча яхши — 0 б;  
б) жанжалдан фойда чиқмаганида — 5 б;

13. Шерини ёддан билсангиз, уни даврада айтасизми?  
а) жоним билан — 0 б;  
б) агар илтимос қилишса — 5 б;

14. Янги йилни шаҳарнинг марказий майдонида кутиб олиш одатингиз борми?  
а) Ҳа — 5 б;  
б) йўқ — 0 б;

15. Янги йил келаётганда доми ухлайман — 10 балл.

**Балларингизни ҳисобланг**  
130—150 балл. Узингиздан қониқингиз мумкин. Сиз бўш вақтингизни одамлар орасида жон деб ўтказасиз. Яхши тингловчи ва яхши суҳбатдошсиз.

100—130 балл. Жамият ҳаётига муносабатингизни аниқлаш мушкул. Бир томондан жамиятда ёқимли инсон бўлишингизга сабабчи хусусияларингиз маъжуд. Бошқа томондан характерингизнинг қолган фазилатлари елдингизни «тўхтатиб» қўяди. Умуман, даврада ўзингизни яхши ҳис қиласиз.

50—100 балл. Сиз ёлғизликни хуш кўрасиз. Оила ва дўстларнинг тор доирасида катта давраларга нисбатан ўзингизни яхши ҳис қиласиз.

50 балл ва ундан кам. Бу жуда паст натижа. Муомалалароқ бўлишга интилинг.

## ● ЧТО? ГДЕ? КОГДА?

### ЗОНТИК—ЭТО И СИМВОЛ ВЛАСТИ



Никто не знает изобретателя зонтика, которым пользовались еще в очень дав-

ние времена. Считается, что первым изготовили зонтики китайцы. Это было в XI веке до нашей эры.

Известно, что зонтик применялся в Древнем Египте и Вавилоне в качестве щита от солнца. В древности на Дальнем Востоке зонтиком мог пользоваться только член королевской семьи и высокопоставленные придворные. В Европе первыми начали применять зонтики жители Древней Греции. Однако существует мнение, что первыми европейцами, которые использовали зонтик для защиты от дождя, были римляне. В средние века о зонтике практически

забыли. Затем он вновь появляется в Италии в конце шестнадцатого века и там рассматривается как символ власти.

Приблизительно в 1680 году зонтик появился во Франции, а позже в Англии. В семнадцатом веке зонтик использовался для защиты от дождя почти по всей Европе. За все это время форма зонтика изменилась незначительно, он стал лишь немного легче. Цветные же дамские зонтики начали делать только в XX веке.

Подготовила  
**З. ИСАКОВА.**

## ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

### УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юриш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:\*/

1 АҚШ доллари 976,49  
1 евро 1152,36

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**БАТАНПАРВАР**  
Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн.27).  
Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

## КУПЛЮ

● Шв. маш., оверлог, газ. и электр. плиты, холод., мо-

розильники, стир. маш. Т.: 176-02-65.

● Дороже всех! Нагр. знаки, старинные монеты, изделия из серебра, кортик, саблю. Т.: 67-48-18.

## ПРОДАЮ

● Холодильники и морозильники. Т.: 90-73-29.

## РАЗНОЕ

● Аттестат о среднем образовании № 356142, выданный в 1987 г. средней школы № 2 г. Ташмента на имя КАРИМОВА Илшата Минизуфаровича, считать недействительным.



25 НОЯБРЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.35 Газеталар шархи.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Новости.
10.05 «Хидоят сари».
10.25 «Нор куйида лола».
Фильм.
11.15 «Мулкдор».
11.35 Мультифильм.
12.05 «Бархат сиймодар».
12.25 «Олим сари йул».
12.40 «Кучилик каторида».
13.10 «Оштин».
13.40 «Аския».
14.10 «Муносабат».
14.50 «Бизнес хафта».
15.05 «Яхшилик».
15.40 «Болалар сайераси».
16.40 «Алломши изидар».
17.00 «Ватанимга хизмат қилмаган».
18.10 Кураш буйича талабалар республика турнири.
18.45 «Тафсилот».
19.00 «ТВ Бинго миллионер».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Узбекистон янгиликлари» (англ.).
21.05 «Айемингиз муборак!»
22.05 «Оштин».
23.05 «Ахборот-дайджест».

17.20 «Юнус Ражабий».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Международные новости».
18.00, 20.50 «Экспресс».
18.10 «Экран-детям».
18.30, 20.00, 21.35, 22.05 «Пойтахт».
18.45 «Табрилаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориз хабарлари».
19.20 «После 2000 года».
20.20 «Все о туризме».
21.00 «Биринчи буса».
21.50 «Авто-юкс».
22.25 Кинооко. «Тоглик куев».
Первый канал.
7.00 — 8.30.
18.05 Вести.
18.20 «Родная природа».
18.30 «Подводный мир». Док. фильм.
18.40 «Вокруг света».
17.25 Фильм «Финт ушам».
18.45 Новости от «Евро-юкс».
19.00 «Земля любви, земля надежды».
20.00 «Нина».
21.00 Время.
21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Саломея». Сернал.
22.25 «Идиле мелиди».
22.50 «Ахборот».
23.25 «Невеста из Вудалла». Фильм.
8.00 «Доброе утро».
8.30 «Выборы-2003».
9.00, 12.00 Новости.
9.05 Военка «Родина ждети». 1-я серия.
10.10 «Земля любви, земля надежды».
11.00 Город женщин.
12.10 Детектив «Линия смерти».
14.10 «Ураза-Байрам». Трансляция из Уфимской соборной мечети.
15.00 Новости (с субтитрами).
15.20 «Фабрика звезд-3».
15.30 «Угадай мелодию».
16.00 «Берег мечты».
17.00 «Большая стирка».
18.00 Вечерние новости (с субтитрами).
18.20 «Выборы-2003».
19.00 «Земля любви, земля надежды».
20.00 «Нина».
21.00 Время.
21.30 «Родина ждети».
22.40 Тайны космоса. «Эдуард Стрельцов. Зона для центра нападения».

23.30 Ночное «Время».
23.50 «На футбол». «Новый день».
00.20 «Половидный мир Андрея Макаренча».
1.00 «Фабрика звезд-3».
1.10 Триллер «Мертвая зона».
6.00 Утро на НТВ.
8.50 «Черный ворон-2».
10.00 «Сегодня утром».
10.25 «Их нравы».
11.15 «Страна советов».
12.00, 15.00, 17.00, 19.00, 22.00 Сегодня.
12.35 «Первобывный пистинкт». Профессия — репортер.
12.55 Комедия «Берегите мужички!».
14.35 «По праву».
15.35 Не стоит прогибаться под изменчивый мир. Ток-шоу «Принцип Домино».
17.30 «Она написала убой-сторию».
18.35 «Территория выживания».
19.45 «Агентство «Золотая пуля». «Дело о двух женихах».
20.45 «Черный ворон-2».
22.30 Футбол. Лига чемпионов. «Локомотив» (Россия) — «Динамо» (Украина).
00.40 «Клиент всегда мертв».
1.55 «Страна и мир». Главные события дня.
2.25 «Кома: Это правда».
8.25 «24». Информационная программа.
9.00 «Гаджет и Гаджетница».
9.25 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры в космосе».
9.50 «Трансформеры».
10.20 «Другая жизнь». Теле-сериал.
11.30 «24». Информационная программа.
11.50 «Дарма и Грег».
12.20 Фильм ужасов «Крысы».
14.25 «Дикая природа»: «Новые заповедники». Док. фильм.
15.00 «Истинная любовь».
15.55 «Очевидец».
16.30 «24». Информационная программа.
16.50 «Некс-2».
17.30 «Супершоу братьев Марно».
18.25 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры в космосе».
18.50 «Маска».
19.15 «Тебя исчезают в полдень».
21.55 «Футурама».
22.20 «Трансформеры».
23.30 «24». Информационная программа.
00.10 Драма «Отшельник».
00.40 «Могучие рейнджеры в космосе».
3.40 Мистический боевик «Мозговая атака».
5.30 «Истинная любовь».

1.30 «В аду».
3.30 Путешествия по России.
4.00 «Истории о привидениях».
6.00 Утро на НТВ.
8.50 «Черный ворон-2».
10.00 «Сегодня утром».
10.25 «Их нравы».
11.15 «Страна советов».
12.00, 15.00, 17.00, 19.00, 22.00 Сегодня.
